Ушбу сонда:

2 — Ҳуқуқий маслаҳатхона: МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ

3 — ШИФО МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

4 — Кураш — фахрим менинг!: ХОТИРА ТУРНИРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 декабр, пайшанба №180 (1012)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 9 КУН ҚОЛДИ

Давлат тополмаган ўзи ноқобил,
Замон серҳаракат қобилга ҳамкор.
Кун нури тушмаса ҳужра кунжига,
Қуёш эмас, ҳужра бунга айбдор.

Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.

Бир Фармон шарофати

САХОВАТ-ЛА ОЛАМ МУНАВВАР

— Дориларни ташлаб келдингизми? - сўради Ўткиржон иш юритувчи Муқаддасхондан.

— Ҳа, лекин...

— Хўш?

— Улар эҳсонимиздан мамнун бўлишди, раҳмат айтишди. Мени бошқа нарса ўйлантираяпти. Ақли заиф болалар ичида етимлар ҳам бор экан. Кўриб, юрагим эзилиб кетди.

— Кўнглингизда бирон ниятингиз борми, дейман?..

— Ҳа, агар хўп десангиз, уларни оталиққа олсак.

Шу тариқа Оққўрғондаги «Дўстлик» хусусий фирмаси билан 78-мактаб-интернат ўртасида алоқа ўрнатилди. Орадан кўп ўтмай, етим болалар алоҳида гуруҳга ўтказилиб, уларнинг ётоқ, ўйин хоналари фирма томонидан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар келтирилди. Кийим-бош олиб берилди. Болажонларга керакли дори-дармонлар, бир марталик шприцлар узлуксиз етказиб бериляпти.

Тадбиркорнинг савоб ишлари шу билан чегараланган эмас. У 5- ҳамда 7-болалар боғчаларини ҳам оталиққа олган. Таъмирлаш ишлари, болаларга олиб берилган дафтар-қаламлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун боғча ҳақи ва бошқа харажатлар ҳам фирма ҳисобидан бўлаётир.

— Президентимизнинг хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид қатор Фармонлари ишларимизнинг ривожида асосий омил бўлмоқда, - дейди Ўткир Турсунов. - Ўтган вақт мобайнида анча ўзимизни тутиб олдик. Фирмамиз асосан Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси тасарруфидаги биноларни таъмирлаш билан шуғулланади. Биз бу йил фойдаланишга топширган Сайхун ДАН пости ҳамда Оққўрғон туман марказидаги милиция таянч пункти биноси вилоят ички ишлар идоралари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллади. Бу йил, шунингдек, Қуйи Чирчиқ туманидаги ички ишлар бўлими, Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига қарашли турар-жой иншоотлари ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси тасарруфидаги ўқув-машқ тайёрлов бўлинмаси иморатларини ҳам замонавий усулда қайта таъмирладик.

Ҳа, дастлаб 3 нафар ишчи билан фаолият бошлаган «Дўстлик» хусусий корхонасида айни пайтда 45 нафар ўз касбининг усталари — пайвандчилар, нақшкорлар, сувоқчи ҳамда дурадгорлар меҳнат қилаётир.

Даромадга қараб буромад деганларидай, ишчиларга қишлик учун сабзавот маҳсулотлари бепул тарқатилди. Улар навбати билан «Кумушкон» сиҳатгоҳида дам олдилар. Жамоа аъзоларининг фарзандларини Тошкент циркига олиб бориш, уларга аталган янги йил совғалари харажатини ҳам фирма ўз бўйнига олган. Шунингдек, фирманинг ёрдамчи хўжалигида етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотлари ишловчиларга бепул берилади.

— Янги асрдан умидимиз катта, - дейди бош муҳандис Акром Воҳидов. - Ўтган 9 йил давомида шунча қувончли ютуқларни қўлга киритдик. Биз қурган, таъмирлаган бинолар, бугун вилоят кўркига кўрк бағишлаб, савлат тўкиб турибди. 2001 йилдан республика миқёсида иш олиб боришни режалаштиряпмиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
«Ишонч» мухбири.

Нишон туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Оила» илмий-амалий маркази фаолияти қишлоқ жойларида яшаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва тиббий жиҳатдан билимларини ошириш, улар ҳаётида содир бўлаётган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Марказ ўз дастурига эга бўлиб, хотин-қизларни касбга йўллаш, ишсизлик муаммоларини бартараф этишга хизмат қилади. Марказ ҳузурида ташкил этилган пазандалик курсида айни пайтда ўн нафардан ортиқ қизлар таҳсил олишмоқда.

— Марказ туманимиз хотин-қизларининг ижтимоий масалаларга оид эҳтиёжларини қондириш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади, - дейди унинг раҳбари шифокор Гулзор Аблялимова.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ЯНГИ МИНГЙИЛЛИК ЁШЛАР КАМОЛОТИ ДАВРИ БЎЛСИН

ГУЛРУХНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

Американинг Лузиана штати Шрифпорт шаҳрида ёш пианиночиларнинг Вайдман номидаги халқаро танлови бўлиб ўтди. Уч турда ўтказилган ушбу танловда жаҳоннинг қирқдан ортиқ давлатидан ёш ижрочилар иштирок этди. Танлов натижасига кўра АҚШ, Франция ва Ўзбекистон вакиллари ғолиб чиқди. Унда мамлакатимиздан Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабаси Гулрух Шокирова қатнашди.

Ўн саккиз ёшли иқтидор эгасининг ижодий фаолияти ҳақида шуни айтиш жоизки, у дастлабки сабоқни Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатида олган. Унга ўз вақтида турли республика ва халқаро танловларнинг совриндори бўлган таниқли созанда Марина Султонова устозлик қилган. Гулрух мамлакатимизда ўтказилаётган кўпгина танловларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган. АҚШда қўлга киритган бронза медали эса унинг халқаро миқёсдаги дастлабки ғалабасидир. Зеро, мазкур танловда Россия, Грузия ва Ғарбий Европа мамлакатларидан кучли пианиночилар қатнашди.

ЎҚИТУВЧИЛАР ЭЪЗОЗДА

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!

Ангор туманидаги «Толлимарон» ширкат хўжалиги ҳудудидаги 13-умумтаълим мактаби авария ҳолатида эди. Директор ташаббуси билан 50 куб ёғоч, 2475 дона шифер, 10 минг дона ғишт, 2 тонна цемент ва бошқа қурилиш материаллари келтирилиб, ўқув бинолари қайтадан таъмирланди. Замонавий тус олган мактабга жами 50 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди.

Бунда аввало, «Толлимарон» ширкат хўжалиги раҳбарлари, ҳиммати баланд Гулмурод Боллиев, Эркин Қаландаров, Панжи Кўчкинов, Ўрол Абдусамадов, Турдимурод Маҳкамов, Қурбон Қорақулов, Шариф Қаранов каби отаоналарнинг ҳиссаси катта бўлди. Қурилиш ишларини асосан мактаб ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари ўз кучлари билан бажаришганини алоҳида эътироф этмоқ лозим.

Бу хайрли ишда ташаббус кўрсатганлар туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб баҳоланди - мактаб директори А.Амирқуловга пойтахтдаги сиҳатгоҳлардан бирига йўлланма тақдим этилди, қурилишда жонбозлик кўрсатган барча ўқитувчилар эса бир ойлик маош миқдорида моддий рағбатлантирилди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ

Косонсой шаҳар шифохонаси қошида шошилинч тиббий даволаш маркази очилди. 30 нафар кишини даволашга мўлжалланган бу масканда беморларнинг тўлиқ шифо топиб кетишлари учун барча шароитлар яратилган.

— Ҳаёт тасодифларга тўла, - дейди шифокор Усмон Ғайбуллаев. — Марказимиз шифокорлари шошилинч ёрдамга муҳтож беморларга қўлларидан келган ёрдамни аямаётирлар. Янги бўлим очилиши билан ўндан ортиқ иш ўрни ҳам яратилди.

П.БУХОРОВ,
Наманган вилояти.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!

ТАДБИРКОР СУПЕРМАРКЕТ ҚУРМОҚЧИ ЭДИ...

Розия Қаршибоева не кўз билан кўрсинки, кад ростлаб турган уйи бир кунда бузиб ташланибди. Эс-хушини йиғиб, нажот истаб Гулистон шаҳар ҳокимлигига шошилди. Бу ерда уни совуққонлик билан қаршиладилар. Яхшиси бу ҳақда батафсилроқ тўхталайлик.

Гулистон шаҳридаги Навоий шоҳ кўчаси 9-уйда Шавкат Мураказев яшаб келарди. У 1995 йил 6 июлда 1-давлат нотариал идораси орқали уйни Розия Қаршибоевага сотади. Шаҳар техник рўйхатдан ўтказиш кадастр бюроси сотилаётган хонадонни баҳолаб беради. Бу уйжойни олишдан мақсад тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан иборат эди. Гулистон шаҳар ҳокимлиги 1995 йил 21 ноябрда ўзининг 741-қарори билан тадбиркорга ана шу ҳовли ўрнига супермаркет ва музқаймоқ павилони қуришга ҳам рухсат берди.

Лекин Р. Қаршибоевада ўша пайтларда қурилиш қилиш имкони бўлмади. Етарли маблағ, қурилиш ашёларини жамлаш зарур эди. Орадан бироз вақт ўтгач янги уй соҳибаси умумий нархи 300000 сўмлик 30 дона қуйма пойдевор, 10 машина тош, 7 машина тупроқ, 5 машина қум, 5 тонна цемент келтиради. Шундан кейингина шаҳар ҳокимлиги меъморчилик бўлимидан қуриладиган бино тархини чизиб беришни илтимос қилади. Бироқ, меъморлар гуруҳи унинг илтимосини инобатсиз қолдиришади. Ноилож 6 нафар устани ёллаб қурилишни бошлайди.

Тўсатдан шу йилнинг 5 апрелида шаҳар меъморчилик бўлими ходимлари қурилишни тўхтатиш тўғрисидаги хатни усталарга қолдиришади. Томдан тараша тушгандек кутилмаганда қабул қилинган бундай қарордан норози бўлган Р. Қаршибоева ҳокимликда бўлиб, изоҳ талаб қилади. Бироқ у саволларига мужмал жавоб олади. Унга ҳеч қандай ҳужжат ҳам тақдим этилмайди. Сал ўтгач унга тегишли қонуний уй бузиб ташланади. Тадбиркор уй-жойга, 803000 сўмлик қурилиш ашёларига, уста ҳақига ҳам куйиб қолаверади. Бунга жиддий сабаб бормиди?

Масаланинг моҳиятини англаш учун яна бир ҳолатга тўхталиш зарурати бор. Шаҳар ҳокимининг 1998 йил 6 ноябр 938-сонли 5 банддан иборат қарорига асосан Ал-Хоразмий кўчасидаги 53-ва 55-ҳамда Навоий шоҳ кўчасидаги 13-уйлар бузилиб, ўрнига 4 қаватли уй қурилиши лозим эди. Юқоридаги қарорга асосан БТИ ходимлари бузилиши кўзда тутилган хонадонларни баҳолашади. Лекин Навоий шоҳ кўчасидаги 9-уй бузилиши қарорда кўрсатилмаганлиги боис нархланмайди. Шунинг учун ҳам уй бекаси бу борада баҳслашишга ҳақли эди.

Шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар ўзларининг хом ишларини хаспўшлашга тушади. 5 банддан иборат бўлган 938-сонли қарор ўрнига 6 банддан иборат янги таҳрирдаги 938-сонли қарорни ижод қилишади. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганларидек 5 банддан иборат 938- қарор тегишли ташкилот ва шахсларда сақланаётганлигини ҳам унутиб қўйишади. Боз устига уй ҳам бузилиб кетган.

Ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлган тадбиркор нажотни адлия идораларидан излаб топишдан бошқа иложи қолмаганди. Шундай қилди ҳам. Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масалани адолатли ҳал қилишни Гулистон шаҳар судидан сўради. Судда гувоҳ сифатида шаҳар бош меъмори А.Хўжакелдиев ҳам иштирок этди. Унинг таъкидлашича, 938-қарор шошилинч равишда тайёрлангани боис 741-қарорни бекор қилиш эсдан чиққанмиш. Яна бир гувоҳ вилоят БТИси бошлиғи Н.Мирзалиева эса Навоий ҳамда Ал-Хоразмий кўчаларидаги Э.Байгальдина, Ю.Крамкова, А. Храмкова, Г.Дониёроваларга тегишли уйларни 938-қарор асосида баҳоланганини, лекин мазкур ҳужжатда Р.Қаршибоевага тегишли 9-уйни бузиш қайд этилмаганлиги боис баҳоламагани ҳақида кўрсатма берди. Т.Раҳмонов раислигида бўлиб ўтган суд мажлиси муаммоли масалага адолатли нуқта қўйди. Шаҳар ҳокимининг 6 банддан иборат янги таҳрирдаги 938-сонли иккинчи қарори бекор қилинди. Тадбиркор Р.Қаршибоевага етказилган 1251897 сўм моддий ва 200000 сўм маънавий зарар Гулистон шаҳар ҳокимлигидан ундириладиган бўлди. Бир фуқаро олдида юзи шувит бўлган шаҳар ҳокимлиги вакиллари вилоят судига Гулистон шаҳар судининг 2000 йил 14 июлдаги ҳал қилув қароридан норози бўлиб кассацион шикоят йўллашди. 6 сентябрда эса вилоят судида судья Насиба Нажмиддинова раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида масала моҳияти чуқур таҳлил қилиниб, Гулистон шаҳар суди қарорини ўз кучида қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилди. Адолат қарор топди. Аммо баъзи мулоҳазаларни ўртага ташлаш фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлаймиз.

Халқимизда «Етти ўлчаб бир кес», деган ажойиб мақол бор. Афсуски, шаҳар ҳокимлигидаги баъзи мутасаддилар ана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўйган кўринадилар. Тўғри, Гулистонни обод қилиш, замонавий бинолар қуриш давр талаби. Амалга оширилган залворли ишларни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо биргина савол беришни фуқаролик бурчимиз тақозо этади, деб ўйлаймиз. Яъни, тадбиркор Р.Қаршибоевага келтирилган моддий ва маънавий зарар кимнинг ҳисобидан қопланади?

Зокиржон ОТАБОЕВ,
Сирдарё вилояти ҳокимлиги адлия бошқармаси кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

О.ЎРОЛОВ,
Жиззах шаҳридаги Фурқат номли умумтаълим мактаб ўқитувчиси:

— Кўп бор таъкидланганидек, шўро сиёсатининг энг катта фожеаларидан бири — даҳрийлик бўлди. Даҳрийда иймон бўлмайди. Иймонсизда ишонч бўлмайди. Ҳеч нимага ишонмайдиган одам эса ҳар қандай разилликдан тап тортмайди.

Шу ҳақда ўйлаганимда, ўқувчиларим бир-бир кўз ўнгимга келади. Улар том маънода бахтли инсонлар. Боиси мустақиллик даврида, кун сайин гуллаб-яшнаётган ҳур Ўзбекистонда яшаш, ишлаш, ижод қилиш насиб этди уларга. Ўз фарзандларим камолини кўриб ҳам қувончдан энтикаман. Очиғи, собиқ шўро даврида авлодимизнинг кўпчилиги уззукун қаро терга ботиб ишлаб, даладан нарини кўролмади. Бири икки бўлмади. Не бахтки, мустақиллик шарофати, Президентимизнинг беқиёс меҳрибонлиги туфайли ўғлимиз Ёрқинбек Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро ҳуқуқ бўлимини муваффақиятли тугаллади. Сўнг, республика «Умид» жамғармаси совриндори бўлиб, Буюк Британиянинг Манчестер университетида таҳсил олиш бахтига мушарраф бўлди.

Янги асрдан умидимиз катта. Ният ажойиб лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, ва албатта, хориждаги илм масканларида пухта билим олиб, камол топаётган иқтидорли, эътиқодли, жонажон Ватанимиз, Президентимизга чексиз садоқатли ёшларимиз ўзларининг саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари билан мўъжизалар яратишсин, ҳур Ўзбекистон номини оламга янада кенг ёйишсин!

* * *

И.АҲМАДЖОНОВ,
меҳнат фахрийси:

— Ажойиб ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини нега қўлдан қўймаймиз. Сабабларидан бири — унда миллий руҳ кучли. Айниқса, Кумушдаги иффат, фақат ўзбек аёлига хос бўлган ҳаё, муомала санъати кишини лол этади. Худди ана шу ажойиб фазилатлар мустақиллик йилларида бизга қайтганлигидан ғоят хурсандмиз.

Шу маънода Қувасой шаҳри, Бағдод ва Данғара туманлари мактабларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар қалбида энг гўзал ҳис-туйғуларни шакллантираётган «Истиқлол ғунчалари» уюшмасини олайлик. Унга мактаб, гимназия, лицейларнинг 1-4-синф ўқувчилари жалб қилинмоқда. Фарзандларимиз машғулотларга киришиш олдидан Ватанни севишга, истиқлол ғоялари ва аждодларимиз хотирасига содиқ бўлишга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қиладилар. Эътиборлиси шуки, қалбларида миллий руҳ жўш ураётган ёшлар учун кўкрак нишонлари ҳам жорий қилинган. Тўртинчи синфда «Истиқлол ғунчалари» «Темурзодалар» уюшмасига аъзо бўлиш учун тайёргарлик кўрадилар.

«Темурзодалар» уюшмаси 5-8-синф ўқувчиларидан ташкил топади. Бу ерда улар Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Амир Темур бой меросини қунт билан ўрганадилар. Шундан сўнг, улар томиримиз қаерда, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган саволларга ўзлари фахр-ифтихор ила тўлақонли жавоб бериш имконига эга бўладилар.

Ўтинчим битта: XXI асрда фақат тинчлик бўлсин, ғанимларнинг юзини тескари қилсин, ёшлар камолотга эришсин, биронта ота-она фарзандидан куймасин.

Ижтимоий ҳимоя

БОҒЧА ХАРАЖАТИ КОРХОНА ҲИСОБИДАН

Ҳар бир меҳнатчини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза этиш, маданий дам олишини таъминлашда жамоа шартномалари ҳамда тармоқ битимлари асосий ҳужжат ҳисобланади.

Шу боис Жалолқудуқ туманидаги «Сўпиқишлоқ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ишчиларга қулай иш ўринлари яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи алоҳида ўрин тутади.

Ҳозир жамоада 600 га яқин ишчи-хизматчи уч сменада меҳнат қилмоқда. Ўртача ойлик маош 20-25 минг сўмни ташкил этаётир. Жамият ўз ёрдамчи хўжалигига эга бўлиб, унда 55 бош қорамол, 87 бош қўй парваришланмоқда. Байрамларда ишчи-хизматчиларга арзон нархда гўшт тарқатилади.

«Соғлом авлод йили» Дастури асосида тузилган тадбирларга асосан, корхонада ишловчи аёлларнинг ҳафталик иш вақти бир соатга қисқартирилди. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳордиқ чиқаришлари учун жамият қошида 75 ўринга мўлжалланган «Андижон шифо маскани» санаторийси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда барча шароит ва қулайликлар яратилган. Йўлланмалар жамоа шартномасида белгилаб қўйилганидек, имтиёзли нархларда, илғор ишчиларга эса бепул берилмоқда.

Касабақўм (раиси Акбар Мусаев) маъмурият билан узвий алоқани йўлга қўйиб, ишловчилар манфаати йўлида жамоа шартномасининг ҳар бир банди бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлаяпти. Ишловчиларга икки маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Барча харажатлар маъмурият ҳисобидан қопланаётир.

Корхонанинг 125 ўринли болалар боғчасида ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари тарбияланишмоқда. Унинг таъминоти корхона зиммасида. Ёрдамчи хўжаликнинг ўн саккиз гектарли боғидан олинган неъматлар тарбияланувчилар дастурхонини тўкин қилмоқда. Ишловчилар ҳам бу ноз-неъматдан баҳраманд. Уларга маҳсулотлар 40 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилмоқда. Меҳнат таътилига чиқаётган ишчи-хизматчиларга бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот, корхона ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилаётгани ҳам ибратлидир.

Жамоа фахрийлари, нафақага кузатилаётган ишчи-хизматчилар ҳам меҳр оғушида. Турли саналар, тадбирлар, байрамларда бир пиёла чойга таклиф қилиниб, уларга совғалар топширилади. Энг муҳими, жамоада ишловчи ҳар бир ходим эътиборда, ҳалол меҳнат қадр топмоқда.

Давур ТУРОН,
«Ишонч» мухбири.



Янгийўлдаги «Гулбаҳор» ҳудудида 900 ўринга мўлжалланган коллежнинг қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Тошкент вилоятининг қурилиш трестига қарашли масъулияти чекланган 8-бинокор жамоаси қурувчилари пардозлаш ишларини амалга оширмоқдалар. Шу билан бирга 200 ўринли ётоқхона ҳам қуриб фойдаланишга топширилади.

Суратларда: бетончи Маҳкам Шодиев. Пардоз ишлари олиб борилаётган ўқув корпуси.

Ҳ.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Мўйноқда Орол денгизи соҳилларига келиб тушадиган сув балансини сақлаш, ички ҳавзалардаги сувдан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда экологлар, қорақалпоғистоннинг сув хўжалиги тармоғи мутахассислари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида Мўйноқ, Қўнғирот туманларидаги сув ҳавзалари ва Судачье кўлида сув режимини мўътадил сақлашга эришиш дастури ишлаб чиқилди. Унда мазкур ҳудудда балиқчилик ва мўйначиликни ривожлантириш, чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базасини яратиш йўллари ҳамда йўналишлари белгилаб олинди.

А.ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

Ҳуқуқий маслаҳатхона

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ

Савол: Меҳнат дафтарчамни йўқотгандим. Лекин янгисини ҳеч қаердан тополмаяпман. Уни кимдан ва қандай олиш мумкин? Умуман, меҳнат дафтарчасини тўлдириш қонун-қоидалари қандай бўлади? Шу ҳақда маълумот бersангиз.

А.РЎЗИМОВ,
Чироқчи тумани.

Меҳнат дафтарчаси ҳар бир ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Уни юритиш Меҳнат кодексининг 81-моддаси ҳамда 1998 йил 7 январда тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилган.

Корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчаси юритилиши шарт. Бу янги корхонага ишга киргунга қадар бошқа корхонада ишлаган ходимнинг меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзув киритилади, дегани. Биринчи бор ишга кирган ходимга янги меҳнат дафтарчаси очилади. Янги меҳнат дафтарчаларини беришда иш берувчи ходимдан амалдаги қонунларда белгиланганидек, энг кам иш ҳақининг ўн фоизи миқдорида ҳақ ундириб олади. Шу сабабли ҳар бир корхонада меҳнат дафтарчасининг тоза бланкалари бўлиши шарт ва ходимга меҳнат дафтарчасининг бланкасини топиб келиш мажбурияти юклатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 июлдаги 258-сон қарорига мувофиқ барча муассаса ва корхоналарни, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар, меҳнат дафтарчалари билан Меҳнат вазирлиги таъминлаши керак. Меҳнат дафтарчасини олиш учун корхона бу масалада Меҳнат вазирлигига қарашли бўлган маҳаллий меҳнат органига мурожаат қилиб, пул ўтказиш йўли билан уни олиши мумкин.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасини биринчи марта ходимнинг иштирокида тўлдиради.

Меҳнат дафтарчасига ходимнинг мутахассислигига оид маълумотлардан ташқари, меҳнат стажига қўшиладиган бошқа хилдаги ижтимоий фойдали фаолиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилади. Масалан, Қуролли кучлар таркибида ва Ички ишлар органларида, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва Давлат ижтимоий суғуртаси жорий қилинмайдиган барча турдаги соқчилик органларида хизмат қилган даври, ҳунар-техника ва бошқа билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги ўқиши, аспирантура ва клиник ординатурада бўлган вақти, жамоа хўжалиги аъзоси сифатида ишлагани тўғрисидаги маълумотлар ҳам қайд этилади.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши зарур. Ходимнинг ёзма аризасига ва тақдим қилинган маълумотномага асосан унинг меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаш ҳамда вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳам ёзиб қўйилади.

Меҳнат дафтарчасига жазолар ёзилмайди. Мукофот ва рағбатлантиришлар меҳнат дафтарчасида ажратилган бўлимга киритилади. Мукофот ва рағбатлантиришлар бўлимига иш тўғрисидаги маълумотлар ёзилишига, иш тўғрисидаги бўлимга эса мукофотлар тўғрисидаги маълумотлар ёзилишига йўл қўйилмайди.

Ходимга меҳнат дафтарчасига киритилган ёзувлар билан танишиб бориш ҳуқуқи берилган. Ходим меҳнат дафтарчасидаги ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги ёзувлар билан уч кун муддат ичида танишиб, ходим учун тўлғазилган шахсий Т-2 шаклидаги карточкада ажратилган жойга имзо чекади. Чунки шахсий Т-2 шаклидаги карточкада ҳам ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар қайд қилинади.

Ходимнинг меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида муҳим ҳужжатлар қаторида сақланади ва иш давомида меҳнат дафтарчасини ходимга берилиши қатъиян ман қилинади. Унинг илтимосига мувофиқ меҳнат дафтарчасидан иш тўғрисидаги маълумотларнинг кўчирмаси олиниб, тасдиқланади. Меҳнат дафтарчаси ходимга меҳнат шартномаси бекор қилингачгина берилади. Ундан ташқари, суд, прокуратура ҳамда тергов органлари тегишли қарорлар асосида бирор ходимнинг меҳнат дафтарчасини олишга ҳақлидирлар.

Савол: Ходимга пенсия тайинланиши олдидан унинг қўлига ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этиши учун меҳнат дафтарчаси берилади. Шу тўғрими?

М.АҲМЕДОВА,
Чортоқ тумани.

Албатта йўқ. Чунки пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунга ва ходимлар ишини юритиш билан шуғулланувчи мутахассиснинг меҳнат вазифаларига мувофиқ у ҳар йилнинг бошида ўша йили пенсияга чиқадиганларнинг рўйхатини тузиши ва вақти етиб келганда ходимга тегишли бўлган барча ҳужжатларни, шу жумладан, меҳнат дафтарчасини ҳам ходим яшайдиган туман ижтимоий таъминот бўлимига топшириши керак.

Агар меҳнат шартномаси бекор қилинмасдан, олдин ходимга меҳнат дафтарчаси берилса ва оқибатда меҳнат дафтарчаси йўқотилса, барча келиб чиққан оқибатлар учун иш берувчи жавобгар бўлади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси хоҳ унинг ташаббуси билан, хоҳ иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинсин, унинг охирги иш куни ишдан бўшатилган кун, деб ҳисобланади. Шу куни иш берувчи барча ёзувлар киритилган меҳнат дафтарчасини ходимга имзо чектириб топшириши шарт. Агар ходим ишдан бўшатилган кун у ишда бўлмаса, меҳнат дафтарчасини олиб кетиши кераклиги ҳақида ходимнинг истиқомат қиладиган жойига ёзма равишда хабар қилинади.

Ишдан бўшаган ходимлар меҳнат дафтарчаларини ўз вақтида олмаган тақдирда, улар ишлаётган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларидан алоҳида қилиниб, корхона ходимлар бўлимида икки йил давомида сақланади. Бу муддат давомида ҳам ходим томонидан йўқлаб келинмаган ва олинмаган меҳнат дафтарчалари иш берувчи архивида эллик йил сақланади ва ушбу муддатдан сўнг далолатнома тузилиб, йўқотилиб юборилиши мумкин.

Ходимнинг меҳнат дафтарчасини яшаш жойига почта орқали жўнатилишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Меҳнат кодексининг 275-моддаси ва Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома талабларига асосан иш берувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилган бўлса, бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади. Моддий жавобгар шахснинг ўзига бириктирилган анжомларни топширмаслиги ва бошқа ҳоллар меҳнат дафтарчасини ушлаб туришга асос бўлолмайди. Агар ходим камомадга йўл қўйган ёки бошқа сабаблар бўлса, бу масала суд орқали ҳал қилиниши лозим.

Ходимга меҳнат дафтарчаси қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолда кечикиб берилса, ўша куни унинг ишдан бўшаган куни ҳисобланади ва меҳнат дафтарчасига бу ҳақда ўзгартириш киритилади.

Шундай қилиб, ходим меҳнат дафтарчасини ололмай бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи олади ва унга иш стажи қўшиб берилади.

Агарда ходим ишдан бўшатилгандан сўнг меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйса, у охирги иш жойига ариза билан меҳнат дафтарчаси нусхасини ёзиб беришини сўраб тезда мурожаат қилиши зарур. Иш берувчи ариза олган кунидан ўн беш кун муддат ичида ходимга меҳнат дафтарчасининг нусхасини ёзиб бериши зарур ва бунинг эвазига ходим энг кам иш ҳақининг ўн фоизи миқдорида ҳақ тўлайди.

Меҳнат дафтарчасининг нусхаси ёзилганда, агар ходим бу корхонага ишга киргунга қадар бошқа бирор корхонада ишлаган бўлса, Т-2 шаклидаги шахсий карточкаси асосида биринчи галда унинг умумий иш стажи ёзилади. Масалан, умумий иш стажи ўн йил тўрт ой тўққиз кун. Ундан кейингина шу корхонада ишлаган даври ёзилади.

Ходим олдинги ишлаган иш жойларидан маълумотнома йиғиши ва иш берувчи бунга ёрдам кўрсатиши керак.

Агар иш берувчи ходимга ўз муддатида меҳнат дафтарчаси нусхасини бермаса, худди ишдан бўшатилган ходимга ўз вақтида меҳнат дафтарчасини бермаганда келиб чиқадиган оқибатлар юзага келади.

Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби бўйича низолар келиб чиққанда, ходим меҳнат низоларини кўрувчи комиссияга ва судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ибрат

НАФАҚА ПУЛИ ЎЗ ВАҚТИДА

Бир умр меҳнат қилиб, кексайганда бировнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолган кишиларнинг дарду ташвишини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Жомбой туманида 11,5 минг нафақахўр бор. Уларнинг мингдан зиёдига ижтимоий нафақа тайинланган. 201 нафар қария эса ўзгаларнинг ёрдамига муҳтождир.

— Давлат томонидан тайинланган нафақа пуллари ўз эгаларига кечиктирмай етиб боришига ҳаракат қилаяпмиз, - дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Ўткир Эргашев. - Якка-ёлғизлар эса алоҳида эътиборга муҳтож. Шу боис, бундай қарияларга ҳолидан хабар олиб туриш учун 13 нафар ижтимоий хизмат ходимлари тайинланган. Улар қарияларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб, уй ишларига кўмаклашадилар. Бундан ташқари, туманда имкониятлар излаб топиш ҳисобига ҳам ёрдам уюштирилмоқда. Масалан, туман марказидаги бир нечта ошхона 24 нафар якка-ёлғиз қарияга бепул тушлик беришни ўз зиммасига олган. Бунинг учун Холида Эгамбердиева, Саломат Маҳмудова, Шодиёр Отауллаев, Рустам Маҳсумов каби тадбиркорлардан кўпчилик миннатдор бўлмоқда. Бу ҳаракатга яқинда қассоблар ва новвойлар ҳам қўшилишди. Туман ҳокимининг қарори билан эса 165 нафар қария газ ва электр энергияси тўловидан қисман озод қилинди.

Р.КУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

НАФС БАНДАЛАРИ

Халқимизда «Йўлинг бехатар бўлсин», деган нақл бор. Аммо Тожикистондан олис йўлга чиққан А.Мадвалиева Тошкент темирйўл шоҳ бекатида вагондан тушганида оқ фотиҳа олмаганлиги маълум бўлиб қолди. Кўргиликда, у ва икки ҳамтовоғининг юриш-туриши, шивир-шивирлари Наклиёт Ички ишлар бошқармаси ходимларига шубҳали кўринди. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди деганларидек, сумкалари текшириб кўрилганда 7 килограмм энг кучли гиёҳванд модда-героин топилди.

Дастлабки суриштирувдаёқ уюшган гуруҳ раҳбари А.Мадвалиева «оқ ажал»ни Россия «қора бозор»ларида пуллаб, мўмай даромад олиш мақсадида эканлигини тан олмасдан иложи қолмади. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ҳа, Наклиёт Ички ишлар ходимлари аср вабосини тарқатишга ҳаракат қилаётган оғуфурушлар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйишаётир. Уларнинг ҳушёрлиги, сергаклиги, ўз хизмат вазифасига масъуллиги наркотик моддаларни четдан юртимизга олиб киришга уринган 50 нафар қонунбузар йўлига тўсиқ қўйди. Қўлга олинганларнинг аксарияти қўшни Тожикистон, бир қисми эса Қирғизистондан «овга» чиққанлиги маълум бўлди.

Зангиота туманида яшовчи умрида фойдали меҳнат билан шуғулланмаган М.Исматов ҳам нима сабабдан «сафар»га отланганини сездириб қўйди. Воқеа бундай бўлганди: «Тошкент-Иркутск» йўналишидаги 199-йўловчи поезди «Салор» темир йўл бекатида тўхтайди. Исматов диққат билан кузатаётганлар орасидан фарғоналик тадбиркор М.Абдуллаевни танлаб, соядек унинг ортидан эргашади. Лекин юк эгаси анойилардан эмас экан. Турса ҳам, ўтирса ҳам кўзини ундан олмади. Поезд юра бошлади, ҳадемай Тошкентдан узоқлашади. Бу — «ўлжа»ни қўлдан бой бериш билан баробарлигини тушунган М.Исматов «ҳамроҳи»ни пичоқлаб, юкларини ўмариб кўздан ғойиб бўлди. Оламда яхшилар кўп. Улар кўмагида жабрланувчи зудлик билан пойтахт шифохоналаридан бирига ётқизилиб, муваффақиятли операция қилинди. Бу орада тажрибали зобитлардан Р.Маҳаматов, А.Дихнов, Х.Носиров ва Д.Маҳсумовлар пухта ўйланган режа бўйича ҳаракат қилиб, жиноятчи изига тушдилар. Милиция ходимларининг аниқ далилий ашёлари 26 ёшли босқинчининг ўз айбига иқрор бўлишга мажбур этди.

Тошкент шоҳ бекати Наклиёт Ички ишлар бошқармаси (бошлиғи милиция полковниги А.Азизхўжаев) жамоаси зиммасига нафақат гиёҳвандликка, балки халқ, давлат мулкини ўғирлаш, талон-торож қилишга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш каби масъулиятли вазифалар ҳам юкланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, пухта тузилган тадбирлар натижаси ўлароқ ҳудудда якка тартибда ҳаракат қилган ҳамда уюшган жиноятчи гуруҳлар қилмишлари фош этилишига эришилаётир. Масалан, бошқарманинг Оҳангарон бекатидаги назорат нуқтаси ходимлари томонидан «Бекобод-Облиқ» йўналиши бўйича ҳаракатланишга шайланган поезднинг вагонларидан бири текшириб кўрилганда қоғоз қопларга жойланган салкам 67 тонна цемент яширилгани маълум бўлди. Наклиётчиларнинг сезгирлиги туфайли ҳужжатсиз шунча қурилиш материали четга чиқиб кетишининг олди олинди. Давлат мулки ҳисобига мўмай пул топмоқчи бўлган Ш.Ғойибназаров ва О.Турсуновлар ҳийла-найранг билан милиция ходимларини доғда қолдирмоқчи бўлган эдилар. Лекин ташлаган қармоқларига ўзлари илиниб, жиноий жавобгарликка тортилдилар. Менинг нафсим балодур, ҳар кўйларга солодур, деганлари шу бўлса керак-да.

— Жамоамиз 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида 10 та МДҲ давлатлари ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш юзасидан қабул қилинган шартномага асосан оғир жиноятларни содир этиб, яширинган юрган кимсаларни излаш, қўлга олиш ва уларни тегишли мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари ихтиёрига топшириш бўйича ҳам бир қатор тадбирларни кўрмоқда, — дейди Наклиёт ички ишлар бошқармаси Тошкент шоҳбекати тармоқ ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги В.Абдураҳмонов. — Тошкент вокзалида махсус қабул-тарқатиш пункти ходимлари ана шу мақсад йўлида кеча-ю кундуз ҳушёр фаолият кўрсатишаётир. Саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаяпти. Масалан, ҳарбий хизмат жойидан қочиб пойтахтимизда яшириниб юрган И.Ҳамидуллин ушланиб, Татаристонга жўнатилди. Ўта оғир жиноятга қўл уриб, олисроқ ҳудудларга қочмоққа шайланган, қидирувдаги Д.Заркуа ҳам «қопқон»га илинди.

Ходимларимиз ўз назорат ҳудудларида дайдиларни аниқлашда ҳам ҳушёрликни қўлдан бой бермаяптилар.

Малик НУРИДДИНОВ.

Бундайларга шафқат йўқ

2001 ЙИЛ – «ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси

халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини ва барча фуқароларни яқинлашиб келаётган Янги йил, Янги аср билан самимий муборакбод этади!

Жондан азиз Ватанимиз - ҳур Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин! Эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз бароридан келсин, кайфиятингиз аъло, оилангиз тинч-хотиржам бўлсин деймиз.





Замонавий, барча шароитларга эга бўлган шифо масканларимиз йилнинг тўрт фаслида Сизга мунтазир!





ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.

Навоий бу ғазални 15-16 ёшларида, Хондамир сўзлари билан айтганда, «ёшлари эндигина тўлиб, йигитлик даври бошланган пайтларда» ёзганлар. Шоир унда, бутун ижодида бўлганидек, шарқ шеъриятида қўлланиладиган образлар ва ифодалардан кенг фойдаланади ва ўзи ҳам янги образлар яратади.

Масалан, ғазалда анъанавий равишда маҳбуб (севгили)ни гулга, ойга, қуёшга ва маҳбубнинг киприкларини ошиқ бағрига отилган пайкон ва новакка (ўққа), маҳбубнинг қошларини шу ўқни отувчи ёға (ёйга), ошиқнинг бағрини лолазорга («қон майдонига») ёки «бағри қон» ғунчага ўхшатишлар учрайди.

Анъанага кўра, етти байтдан иборат ғазалнинг ҳар байтида бир мустақил фикр ифода этилади ва ҳамма байтлар (бутун ғазал) бир мавзу — севгилининг мақтови ва шоирнинг ҳолатини ифода этиш билан бирлаштирилади.

Ғазалнинг биринчи байтида шоир ўз юзини «заъфарон»га (сап-сариқ далага, майдонга) ва кўз ёшларини эса шу заъфарон устига тўкилаётган лолаларга ўхшатади (бу ерда «ёш ўрнига қон тўкаётирман» деган халқ ифодасидаги ёшни қон рангли лолага ўхшатишдан фойдаланилади) ва аввалги фикрни рад этиш ружуъ каби поэтик усул билан, бу кўз ёшлари шоирнинг бағридан узилиб тушаётган парголаларга (бурдаларга, парчаларга) ўхшатилади:

Фурқатингдан заъфарон
узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин
эрур парголалар.

Шоир ўз севгилисининг тишларини дурга ўхшатади ва дур каби бу тишларни ўйлаган сари, ўз тоқатининг тамом бўлаётганидан ҳайратга тушиб («сабрим донаси — уруғи дур тишларингни ўйлаганимда ҳосилсиз қолмакда, қуримакда»), бунинг сабабини айтиб беришни севгилисидан сўрайди ва севгилиси жавоб беради: «Чунки жола (дўл) экиннинг офатидур».

«ФУРҚАТИНГДАН ЗАЪФАРОН УЗРА ТЎКАРМЕН ЛОЛАЛАР»

Дур тишингдин донаи
сабрим қолур бебар? -
десам,
Кулуб айтурким: Экиннинг
офатидур жолалар.

Шоир бир гул барги устига ҳар томондан шакар ёпишибди, деб ўйласа, бу севгилисининг лаъли (лаъл тоши каби қип-қизил лаби) устида чиққан табхола (учуқ)лар экани маълум бўлибди:

Барги гул узра ёпишубдур
шакар ҳар соридин,
Ё магар лаълинг уза
айнабдурур табхолалар.

Севгилининг отган «ўқлари» шоирнинг кўксига тегиб синабе-рибди ва унинг ожиз бағрида бир-бири устига уйилиб қолибди:

Тола-тола най ўқунг
кўксимда гўё синдиким,
Теврулубдур нотавон
кўнглумда бир-бир толалар.

Осмоннинг фитналарга, ғавғоларга тўла тўққиз фалаги (қавати) севгилининг (маҳбубанинг) атрофида гир айланади (яъни бутун дунё маҳбубнинг гўзаллигига мафтун) ва шоир ҳайрон қолиб, дейди: ажабки («турбадур») - бир қуёш атрофида ким шунча ҳола (қўтандоира) кўрибди.

Фитналик тўққуз фалак
гирдингда, жоно, турфадур:
Ким кўрубтур бир қуёш
даврида бундоқ ҳолалар.

Маҳбубалар кетиб қолганда эса, шоир ўзини карвондан ажраб қолган итдек сезади ва нолалар қилади:

Бердилар аҳбобу мен
йиғлармен ўз аҳволима,
Корвондин қолғон ит
янглиқки қилғай нолалар.

Навоий ўзини ғам кўҳига (тоғига) ва сиришкини (кўз ёшларини) бу тоғда ўсувчи лолаларга ўхшатади: ўзи ғам тоғи бўлгандан кейин унинг ашки (кўз ёшлари) лолалар бўлмасдан нима бўлар эди?

Кўҳи ғам бўлди Навоий,
лолалар гулгун сиришк,
Тоғ агар будур, бале, ашк
ўлғусидур лолалар.

Бу ғазал билан танишиб чиқиш Навоийнинг жуда ёш чоғидаёқ катта шуҳрат эгаси бўлганининг сабаби — унинг етук шоирлиги эканини яққол намоён этиб турибди.

Иззат СУЛТОН,
Ўзбекистон ФА академиги.

Кураш — фахрим менинг!

Ўзбек кураши жаҳонга юз тутмоқда. Вакилларимиз қатори ўнлаб хорижий юрт полвонлари ҳам нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритаётганликлари курашимизнинг юксалаётганлигидан далолат беради. Тобора анъанага айланиб бораётган хотира турнирларининг зўр муваффақият билан ўтказилаётганлиги эса бобомерос қадриятимизни тиклямоқда. Яқинда ана шундай мусобақалардан бири Бахористон туманида бўлиб ўтди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

унда 240 га яқин полвонлар беллашишди

Помуқлик Ҳаким полвон Сафаров хотирасига бағишлаб ўтказилган турнир чўлқуварлар ёдида узоқ вақт сақланиб қолса, ажабмас. Зеро, шу куни туман марказидаги «Кўкдумалоқ» ўйингоҳи кураш мухлислари билан тўлди.

— Чорвадор фарзанди бўлган Ҳаким полвоннинг тўю давраларни қизитиб, довруғ таратганлигини кўп эшитганмиз, — деди турнирни очиқ деб эълон қилар экан туман ҳокими Орифназар Имомназаров. — Нафақат қашқадарёликлар, балки машҳур курашчилар — бухоролик Исмоил Туропов, хоразмлик Норбой Отажонов, андижонлик Анвар турк, туркманистонлик Шоймардон полвонлар ҳам унинг кучига, маҳоратига тан берганлар.

Дарҳақиқат, Ҳаким Сафаров 1953-57 йилларда Самарқанд, Андижон, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё республикалари полвонлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олган эди.

Мусобақани кураш фахрийлари Жумақул Баротов ва Файзи Умаровлар бошлаб беришди. Шундан сўнг гиламга алпкелбат полвонлар таклиф этилди. Беллашувлар кескин тус олди. Жами 118 жуфтлик иштирокида ўтган мусобақаларда ғолибни аниқлаш осон бўлмади. Охир-оқибат маҳорат ва тажриба уйғунлиги зафар қучди. Бир неча мусобақалар ғолиби, чироқчилик Исоқ Аҳмедов мутлоқ ғолибликни қўлга киритиб, ҳомийлар томонидан таъсис этилган бир туя ва гилам билан тақдирланди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ИНСТИТУТДА ЯНГИ БЎЛИМ

Англиядаги қанд касаллиги марказий шифохонаси билан иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик ўз самарасини бера бошлади. Айниқса, бу касаллик бўйича муолажалар олиб борувчи олий ўқув юрти шифокорларининг Англияга қилган сафари жуда фойдали бўлди.

Улар Тошкентга қайтиб келишгач, институтда янги бўлим очиш орзуси туғилди. Шундай бўлди ҳам. Қанд касаллиги муолажаси бўйича ташкил топган бу бўлим эндиликда соҳа мутахассисларининг республика ўқув марказига айланган. Бу ерда амалга оширилаётган машғулотлар ва муолажавий тадбирларни йўлга қўйишда Англиядан олий ўқув юртига тақдим этилган турли препаратлар ҳамда ўқув адабиётлари қўл келмоқда.

А.АЛИЕВ.

ПОЁН БОБО

Воқеий ҳикоя

Тўрт-беш одам тўпланишдими, «Мулла Поён» афсонаси бошланади. Ҳар ким ўз билганича фикр юритади. Лекин ҳар гал тинглаганимизда, Поён бобомиз, назаримда, улкан паҳлавондай намоён бўлар, у кишининг чевараси бўлганимдан қалбим ғурурга тўларди.

Ёшлик йилларимиз ҳар кеч Кўҳитанг тоғига юзланиб: «Қара, ана, Поён бобомнинг шайитидан олов чиқаяпти. Кўрдингми, ҳу баландроққа қара» дердик.

— Йўқ, менга кўринмаяпти.

— Сен кўзингни чиппа юм-да, кейин бирдан очиб қара.

— Ҳа кўраяпман, катта юлдузнинг пастида, милтираб ёнаяпти. Қийирнинг устидами дейман-а.

— Ҳа, Қийирда...

... Кун пир-пир бўлай деб қолган пайт... Қишлоққа ўғри оралади. Улар тўғри бир томони ўрмонзорга туташиб кетган Мисат бобоникига кириб келишди. Мисат бобонинг чорбоғи Лабка сойда жойлашган бўлиб, қишлоқдан баланд қирлар билан ажралиб турарди.

Ўғрилар икки киши эди. Бир зумда галагов ҳайдаётган хирмон ёнида пайдо бўлишди. Яқиндагина уйига ўғри тушган Мамашукур отнинг устида эди.

— Ҳа, бачча! - деди ўғрилардан бири, - отдан туш, тез отни бер, даюс!

Мамашукур ҳам тоғда ўсган бола эмасми, ўғриларга бўйсунишни истамади.

— Йўқ, отимни бермайман. Тўриқ меники, - деб хархаша бошлаган эди, бояги одамлардан бири отнинг жиловидан ушлади-да, Мамашукурнинг оёғидан кўтариб, ағдариб юборди. Бола ўрнидан тура солиб, отга ёпишмоқчи эди, иккинчи ўғри шарақ-шуруқ килиб милтиғини ўқлади-да, унга тўғрилади. Бола қотиб қолди. Кўз олди қоронғилашиб кетди. Ўзига келганда эса, ўғрилар ғойиб бўлишган эди. Бирдан уйига қараб югурди. Бориб қараса, ҳеч ким йўқ. Лабканинг терскай бетида қуюқ бутазор орасида бир шарпа эшитилди. Укаси Кенжабой билан паналаб бораётган эди, узоқдан отасига кўзи тушди. Ўғрилар отасининг бошига милтиқ тираб, бир нарсалар деб дўқ қилар, отаси эса саросимада нима қиларини билмай турарди.

Ўғрилар апил-тапил ахтарган ўлжаларини отларга ортиб, Шунгзор йўли билан яна тоққа қараб кетишди. Биринчи бўлиб кампир хушига келди:

— Тезроқ тоғамга хабар қилайлик. Мулла тоғам бир нарса ўйлаб топади.

— Э, аттанг, - деди Мисат бобо бир оз-маюс тортиб, - Мулла Поён бундан бир неча соат олдин Шолконга кетган эди. Шомурод тилмочнинг олдига борган бўлса керагов.

— Шомурод тилмоч ҳам ёрдам берар, тез хабар қилайлик.

Шомурод тилмоч бўлган воқеани совуққонлик билан эшитиб турди, охири ёши қирқлар атрофига бориб қолган новча гавдали мулла Поённинг қўлига битта милтиқ ва 4 дона ўқ берди. Қишлоқнинг қўрқмас паҳлавонларидан бири Чори мос ҳам қўлига катта заранг таёғини олиб йўлга тушди. Чорибой йигирма ёшлардаги бир йигит. Қўрқмас ва ботирлиги учун қишлоқдошлари унга эркалаб мос лақабини берган. Каттакичик уни Чори мос деб аташарди.

— Чорибой, чопсан-чопсан жур, ўғрилар Резга етмасдан, Заҳарли довонига чиқиб олсак, марра бизники, тоғда бошқа йўл йўқ, - деди мулла Поён ва ўзи йўртиб-йўртиб юриб кетди. Улар ўғрилар кетган йўлни кесиб, Мечилисой йўли билан босқинчиларнинг олдини ўраб чиқмоқчи бўлишди...

Ярим соатлар илгари мулла Поён ва Чори мос ўғриларнинг олдини ўраб, Резнинг бошланишидаги қатнинг устига чиқиб жойлашиб олишганини ҳеч ким билмай қолди. Улар жойлашган тоғнинг қати шундайгина довоннинг жануб томонида бўлиб, тоғдан ошиб ўтадиган ягона йўлнинг ёқасида, бир неча газ зовнинг устида эди. Шу ерда турган харсанг тошнинг орқасини ўқ отиш учун мўлжал қилиб олишди. Тонг бўзара бошлаганда улардан ярим чақиримча нарида ўғриларнинг шарпаси эшитилди. Ана улардан бири бомдод номозига ҳозирланмоқда. Мулла Поён ҳам билинар-билинмас азон айтиб, бомдод номозини ўқиди. Ўғрилар номоз ўқиб турганда, Чори мос:

— Отинг, Мулла ака! Жуда қулай вақт, - деб қистади.

— Йўқ, иним, номоз ўқиётганда отиш мусулмончиликда йўқ. Гуноҳи азим бўлади. Кейин ора жуда узоқ. Ўқ етмайди, - деди-да, элас-элас кўриниб турган ўғриларни кузата бошлади. Қароқчилар бемалол юкларни йиғиштириб отларга ортишди. Кейин иккови икки отга минди-да, бир отни етаклаб йўлга тушди. Ана, ўғрилар Заҳарли қўтонидан ўтиб, Резга тирмаша бошлади. Борган сари яқинроқ келишарди. Мулла Поён уларга милтиқни тўғрилар экан, юраги тап-тап ураётганини сезди... Милтиқнинг оғзи ўғрилардан бирига тўғри бўлди. Шу пайт мулланинг хаёлини бир нарса чулғаб олди. У ҳеч одам отмаган эди. Мана энди отаяпти. Ниҳоят милтиқнинг учи отнинг белига тўғриланди. Чори мос диққат билан кузатар, тезроқ иш ҳал бўла қолса эди. Қўлида милтиғи бўлса, иккала ўғрининг ҳам додини берган бўларди. Бирдан милтиқнинг чақмоғи босилди. Тоғдаги сокинликни тонгда отилган милтиқнинг гумбурлаган овози бузди.

Тоғу тош, қоялар жаранглаб кетди. Ўқ теккан от қиядан қулади. Отнинг устида келаётган ўғри эса ўзини ўнглаб олиб бир оёғини оқсоқлаб босгандай бўлди-ю, тошнинг панасига яширинди. Заҳарлининг терскай бетида Резнинг бошланиши жойидаги тик қияликда зар, адрас ва парча матолар отнинг умбалоқ ошиши билан очилиб кетган бўхчадан бўлак-бўлак ҳолда сочилиб қолди. Ҳамма жой қизил-яшил бўлиб кетди. Икки ўғри жон ҳолатда икки томонга қочди. Бири қоянинг остига қараб югурди.

(Давоми бор.)

Шарифжон ЁҚУБОВ.

«ТОМОША» – ҲИНД ДИЁРИДА

Ўзига хос анъаналарга эга миллий қўғирчоқ театри санъати асрлар давомида меҳнаткаш халқ орзу-ўйларини ифода этиб келгани учун ҳам муҳим ижтимоий ва эстетик аҳамият касб этади. Зотан, азалдан турли халқ байрамларида, тўю тантаналарда қўғирчоқбозлар томонидан намойиш этилган томошалар катта хушнудлик билан кутиб олинган.

Ана шундай мустаҳкам заминга эга театр санъати даргоҳларидан бири Жиззах вилоят болалар «Томоша» қўғирчоқ театр-студиясидир. Шуни айтиш лозимки, ўтган йили Америка Қўшма Штатларида ижодий сафарда бўлиб, томошабинлар меҳрига сазовор бўлган жамоа яқинда қадим ҳинд диёрида бўлиб ўтган 50-Халқаро қўғирчоқ театрлари фестивалидан қайтиб келди. Сафар Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда мамлакатимиздаги Ҳинд маданият маркази таклифига биноан уюштирилди.

20 га яқин мамлакатлар қўғирчоқ театрлари иштирокида ўтган фестивалда бизнинг вакилларимиз К.Қодиров ва Н.Норматов ҳаммуаллифлигидаги «Томоша» номли спектаклни намойиш этдилар. Деҳли, Чандогар, Муссури штатларида ўтган томошалар, айниқса муваффақиятли кечди.

— Бизнингча, спектаклларимиз ҳинд қўғирчоқ театри шинавандаларида катта таассурот қолдирди, — дейди театр-студия бадиий раҳбари А.Хўжаев. — Анъанавий услубда саҳналаштирилган, миллий мусиқа оҳанглари уйғунлигидаги «Томоша» спектакли намойиши вақтида залда қувноқ кайфият ҳукм сурди.

Дарҳақиқат, юртимиз қўғирчоқ театр студиясининг юксак маҳорати фестивал иштирокчилари — мутахассислар томонидан эътироф этилди. Ҳатто, Ҳиндистон газеталари саҳифаларида улар тўғрисида қатор мақолалар эълон қилинди.

Айни кунда мустақил театр-студия сифатида фаолият юритаётган бадиий жамоа касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳомийлигида халқимизга маданий хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, ёзги соғломлаштириш мавсумида театр-студия вилоятнинг турли болалар оромгоҳларида бўлиб, ўз спектаклларини бепул намойиш этди.

Ш. ЁҚУБОВ.

Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли 135-сонли «Бинафша» болалар боғчасида кичкинтойларнинг баркамол авлод этиб тарбияланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Боғчада ташкил этилган тўгаракларда болажонлар билан қизиқарли машғулотлар ўтказилади.

Суратда: юмшоқ ўйинчоқлар тўгараги раҳбари Мавлуда Азимова кичкинтойлар билан машғулот пайтида.

Б.АКРОМОВ
олган сурат.

«СУВ ПАРИСИ»

Токио шаҳрининг асосий кўчаларидан биридаги савдо марказида антиқа робот пайдо бўлди. Бу ажойиб қурилма XVIII асрда ўтган моҳир соатсозлар ясаган ҳайратомуз автоматлар услубида ишланган.

Робот кумуш рангли сув париси қиёфасида яратилган бўлиб, уни 300 киши 3 ой мобайнида бунёдга келтиришди. «Сув париси» арфа чалади, ашула айтади, шеър ўқийди.

Унинг барча ҳаракатлари пневматика (сиқиқ ҳаво) орқали бажарилади.

И.РЎЗМАТОВА.

«ЮНИСЕФ» СОВРИНДОРИ

«Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинган янги йил арафасида Андижон шаҳридаги 3-туғруқхона «Она сути билан чақалоқни боқишнинг ўнта тамойилини қўлловчи, болага самимий муносабатли шифохона» деб тан олинганлиги ҳақидаги сертификат топширилди. Уни «ЮНИСЕФ»нинг Ўзбекистондаги вакили жаноб Руди Родригес топширди.

Шунингдек, юқори мартабали меҳмонлар бу туғруқхона жамоасига «ЮНИСЕФ» ташкилоти номидан уй-рўзғор анжомлари ҳамда зарур жиҳозларни топширдилар.

Она сути эндигина дунёга келган чақалоқ учун бебаҳо неъматдир. Чунки она сутида бола ҳар томонлама соғлом ўсиши, вояга етиши учун керак бўладиган барча витаминлар, ферментлар ва гормонлар мавжуддир.

Вилоят марказидаги 3 та туғруқхона жамоаси фарзандларни фақат она сути билан боқишни, чақалоқ туғилган кундан бошлаб уни доимо онаси ёнида бўлишини таъминлаш борасида, шунингдек, иш «Бехатар оналик» дастури асосида намунали ташкил этилганлиги боис мана шундай мукофотга сазовор бўлдилар.

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «Мезон-АСП» хусусий фирмаси тугатилади. Даволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат давомида қабул қилинади. **Тел: 79-99-73**

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги **«MUSHTARIY BFS»** фирмаси тугатилади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6